

## «Неча пул экан?»



07:00 / 09.07.2019 2714

Маслама ибн Абдулмалик Умар ибн Абдулазизнинг ҳузурига келди. Унинг эғнида Миср чойшабидан кийим бор эди. Халифа Умар ибн Абдулазиз: «Буни неча пулга олдинг, Абу Саъид?» деб сўради. Маслама унинг нархини айтди. Халифа: «Нархини бироз туширсанг обрўйинг камайиб қолармиди?» деди. Маслама: «Йўқ», деди. Халифа: «Нархига яна қўшиб берсанг обрўйинг кўтарилиб қолармиди?» деди. Маслама: «Йўқ», деди. Халифа: «Билиб қўй, Маслама, савдолашишнинг афзали бадавлат бўла туриб савдолашишдир. Кечиришнинг афзали жазолашга қодир бўла туриб кечиришдир. Мулойимликнинг афзали волий (ҳоким) бўлгандан кейинги мулойимликдир», деб унга насиҳат қилди.

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**